# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2001 йил, 26 апрель, пайшанба № 50 (1470).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 26 апреля 2001 г. № 50 (1470).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## «ҚАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Азиз ўғил-қизларим!

Авваламбор, барчангизни мамлакатимиз ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — «Камолот» ҳаракатининг таъсис қурултойи очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянчи ва суянчини кўриши табиийдир.

Инсоният қадам қўйган янги — XXI аср глобаллашув асри, тараққиёт асри, фақат интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган давлатларгина дунёда устувор мавқе эгаллайдиган давр бўлиши барчамиз учун аён.

Мана шу йўлда мустақил Ўзбекистон давлати, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, келажагини жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида кўришга азму қарор қилган заҳматкаш халқимиз ўзининг фидойи меҳнати билан дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

Лекин, кишилик тарихидан яхши биламизки, бундай ёруғ истиқболга эришиш ҳеч қачон, ҳеч бир халқ, ҳеч бир миллат учун осон ва енгил кечган эмас. Улар ана шу эзгу мақсадларга кўп-кўп оғир синовлар, ёвуз хатти-ҳаракатларни, тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб, шижоат ва мардлик, метин ирода, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, қатъият билан курашиш туфайли эришган.

Мана шундай машаққатли ва шарафли курашларда, буюк интилишларни амалга оширишда, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилишда, керак бўлса, жонини фидо этишда ёш авлод доимо ўрнак ва ибрат бўлиб келган.

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, эски замон асоратларидан бутунлай воз кечган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ўйлайманки, сизларнинг ташаббусингиз билан ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай сафарбар кучга айлана олади. Узоқ-яқиндан келган қурултой қатнашчиларининг шижоати, бу борада жойлардаги учрашувларда, матбуотда билдирилаётган фикр-мулоҳазалар янги ташкилот ўз сафларида минг-минглаб фидойи ёшларни жипслаштира олишига умид уйғотади.

Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ёшларимиз севиб куйлайдиган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи ҳар бир юртдошимизни Ватанни севишга, унга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишга даъват этади. Мен ана шу қўшиқнинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб, барча ота-оналар номидан сизларга, кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимизга қарата айтмоқчиман: биз Ўзбекистонни ҳам, ёшларимизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз.

Чунки жондан азиз болаларимизни ўзгаларнинг номаъқул тарбияси ва мудҳиш таъсирига ташлаб қўйиш — келажагимизга нисбатан кечириб бўлмас хиёнатдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизни комил инсонлар этиб вояга етказиш, Оллоҳ таоло ато этган қобилиятларини рўёбга чиқариш учун уларга йўл очиб бериш ва барча имкониятларни яратиш — биз ота-оналар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Кўпмиллатли Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман.

Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга ғайрат-шижоат, қурултой ишига муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУЗИЛДИ

25 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган делегатлар — ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаши аъзолари ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қурултой ўз ишини ҳайъат ва котибият аъзоларини сайлашдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табрикини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, бундан уч ой бурун мамлакатимиз ёшларининг янги ташкилоти — «Камолот» ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Ташаббус гуруҳи иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида гуруҳ аъзолари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг мазкур ташкилотга муносабати, таклиф ва истаклари, фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Таъкидлаш кераки, бу ғоя нафақат ёшлар, балки жамиятнинг барча қатламлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда Ҳаракат фаолиятига оид хилма-хил таклифлар билдирилди. Бу эса ёшларнинг янги ташкилотга бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Анжуман қатнашчилари Ҳаракат Ташаббус гуруҳининг ҳисоботи ҳамда Дастур ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар.

Дастур ва Низом жойларда ўтказилган йиғилишлар давомида билдирилган кўпдан-кўп таклиф ва фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб тайёрлангани айтиб ўтилди. Ташкилотнинг меъёрий ҳужжатларини пишиқ-пухта тайёрлаш ишчи гуруҳининг муҳим вазифаси бўлгани қайд этилди. Улар АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг иш услублари ва фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиққани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Дастурда сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда халқаро фаолият соҳасида ташкилот аъзолари ўзларининг устувор йўналиш сифатида амал қилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Янги ташкилот аъзоларининг «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман, деб яшаш керак», деган сўзларни дастуриламал қилиб олгани эса Ҳаракат ўз олдига фидойи ёшларни тарбиялаб, комил инсонлар этиб вояга етказишдек олижаноб мақсадни қўйганини тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

**СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!**



Кўзларида ўзгача бир қатъият, ўзига ишонч акс этиб турган бу йигит чирчиқлик Акмал Бозоровдир. Акмал Чирчиқ олий ҳарбий муҳандислик танкчи командирлар билим юртини «аъло» баҳолар билан битириб, айни пайтда ҳарбий қисмда рота командири вазифасини бажармоқда.

Акмалнинг мақсади она-Ватан ҳимоясида доимо шай туриш, уни ёвуз кучлардан муносиб ҳимоя қилиш.

**Н. ЮСУПОВ** суратга олган.

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

## ЭКИПАЖ УХОДИТ В ЗАПАС

**Наряду с призывом в ряды Вооруженных Сил набирает темпы и процесс увольнения в запас отслуживших установленные сроки службы военнослужащих. Первыми, как водится, провожают домой отличников боевой учебы, делая это в торжественной обстановке, отдавая дань уважения тем, кто честно выполнил свой воинский долг перед независимым Узбекистаном.**

Первыми в группе старшего лейтенанта Ильхома Кенжаева увольняются в запас члены передового экипажа боевой машины десанта: командир сержант Хайрулло Азларханов, механик-водитель рядовой Ихтиер Хидоятов, радиотелефонист рядовой Фахриддин Джабаров. Все они отлично действовали на контрольных занятиях, успешно выполнили высокие обязательства, взятые на прошедший зимний период обучения.

И вот они впервые стоят не в общем строю, а возле Боевого Знамени части. После установленных команд подполковника Ойбека Усманова подразделения, печатая шаг, под гром духового оркестра проходят мимо, равняясь на передовых воинов, провожаемых в запас.

Заместитель командира части по воспитательной работе майор А. Алимов сказал немало добрых слов в адрес чествуемых воинов, поблагодарил их за добросовестный ратный труд, пожелал столь же плодотворно трудиться в родных местах на благо и во имя процветания Узбекистана. Взволнованные Хайрулла, Ихтиер и Фахриддин от души поблагодарили сослуживцев за сказанные в свой адрес добрые слова. Их родители, проживающие в Сабир-Рахимовском тумане столицы, в городе Янгиюле и Гиждуванском тумане Бухарского вилоята, могут по праву гордиться своими сыновьями.

Мужество, отвага и другие лучшие боевые качества десантников, приобретенные в армии, еще не раз пригодятся этим парням и в гражданской жизни. Торжественные проводы лучших воинов в запас наглядно показали всему личному составу: добросовестная служба всегда будет оценена по достоинству.

**Майор А. КАМАЛОВ.**

## ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУЗИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қурултой иштирокчилари мазкур ташкилот қандай бўлиши лозимлиги, мақсад ва вазифалари, Дастур ва Низом лойиҳасига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бухоролик Нилуфар Жумаева, қорақалпоғистонлик Пўлат Мирзақулов, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ёшлари вакили Инна Зотова, хоразмлик Дилрабо Жуматова, андижонлик Нодира Абдураззоқова, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидан Шокир Холиқов, Зулфия мукофоти совриндори, қашқадарёлик Шаҳноза Холмаҳматова ва бошқалар ҳаракатнинг бошқарув органлари бюрократик аппаратга айланиб қолмаслигини, аъзолар ташаббускор, фаол шахслар бўлиши кераклигини, улар «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шиорига мос руҳда яшаши ва ишлаши зарурлигини таъкидладилар.

Қурултой арафасида «Камолот» жамғармасининг таъсисчилар йиғилиши ўтказилган эди. Унда жамғармани тугатиш, мол-мулки ва ваколатларини ихтиёрий равишда янги ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳаси билдирилган фикр ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланди.

Қурултойда Ҳаракатнинг Марказий кенгаши, назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

«Умид» жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Мамлакатимизда ёшларни бирлаштириш, эзгу ишлар сари етаклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги ижтимоий ҳаракат вужудга келди. Қурултой иштирокчилари Ҳаракат аъзолари озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар ҳамда бу ташкилот барча ёшларимизнинг таянчи ва суянчи бўлади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎзА).

## ВСТРЕТИЛИ С ОРКЕСТРОМ

В часть, где служит офицер А. Султанов, прибыли первые команды новобранцев из Ферганского и Хорезмского вилоятов.

Новичков встретили как самых долгожданных друзей, с духовым оркестром. Как сообщил заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Г. Сафаров, созданы все условия для того, чтобы новое пополнение в самые короткие сроки освоилось в пока еще непривычных условиях армейской службы.

**Соб. инф.**

## ЖАНГОВАР ШАЙМИЗ

Барчага маълумки, ҳаво-десант қўшинларида юртимизнинг сараланган, бақувват йигитлари хизмат қилади. Шунинг учун бизнинг десантчилар бригадаси олдига қўйилган ҳар қандай жанговар топшириқни аъло даражада бажариб келмоқда. Мана, қишки ўқув мавсумининг якуний синов имтиҳонлари самарали давом этаяпти. Мен шунга аминман ва ишонтириб айтаманки, бизнинг ҳарбий қисмимиз аскарлари ва офицерлари имтиҳонларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишади. Чунки офицерларимиз аскарларнинг барча тайёргарликлар бўйича етарли малакага эга бўлишлари учун бор куч ва имкониятларини сарфлаб келишмоқда. Шу билан бирга қисмимизда мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида ўтказилаётган маданий тадбирларга ҳам катта эътибор берилган. Яқинда соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 665 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда буюк саркардалиги билан жаҳонга танилган бобомизнинг ҳаёт йўли, ҳарбий маҳорати, адолатпарварлиги ҳақида сўзланди.

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан эса Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Куни кеча бир гуруҳ отахонлар аскарларимизга урушдан қайтиб келмаган сафдошлари кўрсатган қаҳрамонликлар, уруш вақтидаги қийинчиликлар ҳақида сўзлаб бердилар. Табиийки, бундай учрашувлар посбонларнинг ўз ватанларига муҳаббат ва садоқатини мустаҳкамлаб, жанговар шайликнинг янада кучайишига хизмат қилмоқда.

Аскарларимизнинг дам олиш кунларини мароқли ўтишини таъминлаб келаётган офицерларимиздан қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор А. Расулмуҳаммедов, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари лейтенантлар — Р. Жўрабоев, Қ. Саидовлардан йигитларимиз миннатдор.

Шунинг учун ҳам ҳар томонлама эътиборда бўлган аскарларимиз, устозлари бригада командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари майор А. Анорқулов, батальон командири катта лейтенант Н. Умировлардан олган бор билим ва маҳоратини жанговар синов машғулотларида намойиш этиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар.

**Лейтенант Маъруфжон УРУНОВ.**



**Оддий аскарлар** (ўнгдан чапга) **А. Жумаев, М. Бобоқулов, Ш. Ҳакимовлар баҳорги синов машғулотларида ўзларининг барча тайёргарликлар бўйича етарли билим ва малакага эга эканликларини намойиш этишмоқда. Жанговар қуроллардан отиш машқларида эса ҳатто тажрибали офицерларнинг ҳам диққат назарига тушишди.**

## АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Жорий йилнинг январь ойида АҚШнинг янги президенти Жорж Буш ўз вазифасини адо этишга киришганидан сўнг Оқ уйнинг янги маъмурияти кўпчилик мамлакатларга ўз вакилларини юбора бошлади. Бундан мақсад янги маъмурият юритажак ташқи сиёсатни уларга тушунтириш, халқаро майдондаги муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашишдан иборат эди.

АҚШ давлат котибининг Янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерлининг куни кеча Ўзбекистонга ташриф буюришига ҳам Оқ уйнинг янги маъмурияти олиб бораётган фаол дипломатик алоқаларнинг узвий қисми сифатида қараш мумкин.

Жон Байерли Тошкентда Ўзбекистон Президенти, ташқи ишлар, молия, мудофаа вазирлари билан мулоқотлар олиб борди. Бу учрашувларда ҳар икки томон манфаатларига хизмат қиладиган кенг қамровли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар муҳокама қилинди.

Америка вакилининг Ўзбекистонда ўтказган музокаралари орасида Президент Ислом Каримов билан учрашувига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Учрашувнинг қандай руҳда ўтгани, муҳокама этилган масалалар кўлами қанча кенг бўлганини мулоқот икки соатга яқин давом этганидан ҳам билса бўлади. Учрашувда, айниқса, минтақавий хавфсизлик, террорчилик, наркотик ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу муаммоларнинг тезроқ ўз ечимини топиши Ўзбекистон учун қанчалик аҳамиятли бўлса, АҚШ учун ҳам шунчалик муҳимдир. Биринчидан, агар минтақамиз тинч бўлса, америкалик сармоядорларнинг бу ерда самарали ишлаб, фойда кўриши таъминланади. Иккинчидан, террорчилик бугун нафақат минтақа аҳолиси учунгина эмас, бутун дунё аҳли, жумладан, АҚШ фуқаролари учун ҳам жиддий хавфга айланган. Бу иллатга қарши биргаликда курашилса, ҳар икки томон учун ҳам катта фойдадир. Учинчидан, наркотик ва қурол-яроғ ноқонуний савдосининг салбий таъсири бир мамлакат ва минтақа доирасида қолиб кетмаслиги ҳам аён. Шу сабабли АҚШнинг бу муаммоларни ҳал этишдан ўз манфаатларини кўраётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Сўнгги вақтларда америкалик ва ўзбекистонлик ҳарбийлар ўртасидаги бевосита алоқалар тобора ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация таркибида Пентагон расмий вакиллари ҳам борлиги бу ҳамкорлик тобора мустаҳкамланаётганидан дарак беради. Бундан бир неча ой муқаддам АҚШ Ўзбекистонга мудофаа мақсадлари учун уч миллион доллар ҳажмда техникавий ёрдам кўрсатган эди. Бу сафар ҳам америкаликлар 100 минг долларлик тунда кўриш мосламаларини чегарачиларимизга беғараз кўмак сифатида топширди. АҚШ террорчиликка қарши фаол кураш олиб бораётган мамлакат эканини ҳисобга олсак, Ўзбекистонга бу борада кўрсатилаётган ёрдамларнинг моҳияти ойдинлашади.

Тошкентдаги учрашувлар ниҳоясида ўтказилган матбуот анжуманида Жон Байерли Ўзбекистон расмий доиралари билан ўзи ўтказган мулоқотларни жуда «самарали ва фойдали бўлди», деб баҳолади. Шу ўринда, у берган муҳим бир баёнот хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида қатор йиллардан буён илиқ муносабат ҳукм сурмоқда. Собиқ президент Билл Клинтон даврида Ўзбекистонга АҚШнинг юқори мартабали расмий вакиллари кўп бор ташриф буюрган. Жон Байерли эса янги президент Жорж Буш маъмуриятидан вакил сифатида мамлакатимизга келган илк юксак мартабали дипломат бўлди. Унинг, расмий Вашингтоннинг Ўзбекистонга муносабати илгаригидек бўлиб қолади ва ўзгармайди, деган баёноти жуда муҳимдир. Бу икки мамлакат ўртасидаги илиқ муносабатлар аввалгидек давом этади, демакдир.

**А. КАРИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**● СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР**

### ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

Майор Қўчқор Бурхонов командирлик қилаётган дивизион жамоаси полигонда бўлиб ўтган дала ўқув машқларида, синовларда ўзларининг жанговар тайёргарликлари, касбий малакалари юксак эканлигини яна бир бор исботлашди. Айниқса, кичик сержант Ўрол Тошев бошчилигидаги посбонлар ютуқлардан муносиб туҳфалар ҳозирладилар. Белгиланган барча нишонларни бехато нишонга олган оддий аскарлар — Хайрулла Давронов, Шарафиддин Аҳмедов, Нурлан Мирзааҳмедов каби жангчиларнинг маҳоратини эса алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди.

### НАТИЖАЛАР ЮКСАК

Айни синов машғулотлари олдидан майор Эмин Хайруллаев командирлик қилаётган жамоада ёш лейтенантлар ўз фаолиятларини бошлашди. Қуролли Кучларимиз келажаги бўлмиш бу ёш офицерларга қисм қўмондонлиги юксак ишонч билдириб янглишмаган экан. Масалан, лейтенант Қобил Азимовни олайлик. Батареяда катта офицер вазифасида фаолият бошлаган бу офицер қўл остидаги посбонлар билан полигонда бўлиб ўтган синов машқларида юксак натижаларга эришди. Сержант Ёдгор Тўланов, оддий аскарлар — Анвар Мадраҳимов, Акмал Қосимовлар шулар жумласидандир. Энг муҳими, посбонларда жанговар кайфият кўтаринки. Бу эса олдинда турган зафар чўққиларини забт этишда муҳим омил. Зеро, жамоа посбонлари Истиқлолнинг 10 йиллик тўйини жанговар тайёргарликда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга қатъий қарор қилишган.

**Катта лейтенант**
**А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Самарқанд гарнизони.**

## ҲИМОЯГА ДОИМ ТАЙЁРМИЗ

Бизнинг ўқчилар взводида Республикамизнинг деярли барча вилоятларидан келган турли миллат вакиллари аскарлик хизматини бажаришмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган бу йигитлар бир аҳил оила фарзандлари сингари хизмат синовларида бир-бирларига елкадош. Аскарларимиз ҳозирда полигонларда ўтказилаётган синов машғулотларида жанговар тайёргарлик жиҳатдан ўзларини нималарга қодир эканлигини намойиш этиб, синов имтиҳонларини «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишаяпти. Айниқса, ҳарб илмини чуқур эгаллаган сержантлар — Н. Жумаев, Р. Жамолиддинов, И. Йўлдошевлар жисмонан бақувват ва эпчилликлари, касбий малакалари билан бошқа аскарларга ўрнак бўлишмоқда. Умуман олганда, взводимиз йигитлари Ватанимиз қисматини ўзларининг қисмати деб билади. Улар мустақиллигимизнинг ўн йиллигини кўтаринки руҳда, жанговар шай ҳолатда, дала синов машғулотларини аъло даражада топшириш билан кутиб олишмоқчи. Она-Ватанимиз осойишталиги, халқимиз тинчлигига раҳна солмоқчи бўлган ҳар қандай қора кучларга қарши қақшатқич зарба беришга улар доим тайёр.

**Лейтенант**
**Одилжон БЎТАЯРОВ.**

